



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “1” mart

Қ-124 -son

Termiz sh.

**Денов тумани А.Темур массиви худудидан**  
**“DENOV TRADING GOLD” МЧЖга**  
**“Иссиқхона” куриш учун ер майдони ажратиш**  
**тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 05-02/720-сон йиғилиш баёни ва Денов туман ҳокимининг 2020 йил 23 сентябрдаги 01-36/873-сон хатини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 05-02/720-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Денов тумани А.Темур массиви худудидан “DENOV TRADING GOLD” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 91-дала контуридан тупроқ унумдорлиги баҳоланмаган жами 1,5 гектар, шундан 1,30 гектар суғориладиган экин ер ва 0,20 гектар ариқ ва йўллар билан банд бўлган ер майдонида “Иссиқхона” куриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “DENOV TRADING GOLD” МЧЖ бошлиғи Ш.Мингниёзовга:  
иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона куриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;  
мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Денов тумани ҳокимлиги (Б.Ибатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов